



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES
International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



**СОБИҚ ИТТИФОҚДА МУЛКДОРЛАР СИНФИНИ
ТУГАТИЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

Mamayusupova Shahina Ulug'bek qizi
*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Moliya va buxgalteriya fakulteti*
sh.mamayusupova@tsue.uz

Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li
*Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston
Milliy universiteti, Kompyuter ilmlari va
dasturlash texnologiyalari yo'nalishi
magistri*
maqsudu32@gmail.com

Mavlonova Muxlisa Nizomiddin qizi
*Shahrisabz davlat pedagogika instituti,
Matematika va informatika yo'nalishi
2-kurs talabasi*

PhD F.E.Qodirov
*Shahrisabz davlat pedagogika institute,
Informatika va uni o'qitish metodikasi
kafedrasи mudiri*

Аннотация: Мақолада Туркистан халқи 60 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Чор Россияси зулми остида бўлди. Чор Россияси маҳаллий аҳолининг қўлидаги барча бойликларни қандай йўл билан бўлмасин талаши сиёсатини юритди. Чор Россияси Туркистан халқларига нисбатан ташимачилик сиёсатини амалга ошириди. Ўзбекистонда мулкдорлар синфини тагтамири билан йўқотиши ишлари большевиклар раҳбарлигидаги совет ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қўйидаги белгилар асосида “қулоқ” қилиши баҳонасида амалга оширилди:

Калим сўзлар: мулкдор, иттифоқ чоризм большевик-коммунистлар савдо-сотик.

ХIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида ўзбек халқининг бошига катта кулфатлар ёғилди: аввал Чор Россияси босқинчилари, кейин эса рус большевиклари томонидан бутун Туркистан забт этилиб, унда яшовчи барча халқларнинг мол-мулки талон-тарож қилинди, мулк эгалари эса миллий ва синфий душман сифатида йўқ қилинди. Тарихий жараёнлар ривожининг босқинчилар фойдасига ҳал бўлиши оқибатида мулкдорлар синфи аввал ҳақ-хуқуқларидан, кейинчалик эса бутун мол-мулкидан жудо қилинди. Натижада мулкдорлар синfigа қўшилиб уларнинг геоиқтисодий тафаккури ҳам





ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



инқизатга юз тутди. Буни қуйидаги тарихий далиллар мисолида кўришимиз мумкин.

Тарихдан шу нарса маълумки, Туркистон халқи 60 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Чор Россияси зулми остида бўлди. Чоризм Туркистон халқлариға нисбатан мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратди.

1. Рус мустамлакачилари текин хомашё ва турли даромадларга эга бўлиш учун мулк масаласини қайта кўриб чиқиб, уларни ўзларининг фойдасига қайта тақсимлаш сиёсатини амалга оширидилар. Аниқроғи, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини зўрлик, жойи келса алдов йўли билан қўлга киритдилар. Бу хусусда 1867–1882 йилларда Туркистон генерал-губернатори бўлган К. П. Кауфман ўзининг рус подшосига ёзган ҳисоботида: “Жуда тезлик билан ерга имтиёзли равишда эгалик қилиш, мулк ва вақф ерлари ҳақидаги масалалар юзасидан қонун тарзидаги қарор ниҳоятда зарур. Ўзларининг ерга бўлган даъволарини ҳимоя қилувчи мулк эгалари ва мусулмон руҳонийлари аҳолининг зодагонлар синфини ташкил этиб, улар бизга сиёсий жиҳатдан душман ҳисобланади”¹, – деган фикрни билдирган эди. Натижада, К. П. Кауфман маҳаллий халқлар давлатчилигининг негизи – ерга бўлган хусусий мулкчилик ҳуқуқини бузган ҳолда барча мулкларни чоризм фойдасига қайта тақсимлашни амалга ошириди.

Ерга бўлган хусусий мулкчиликнинг аста-секинлик билан чоризм фойдасига ҳал қилиниши маҳаллий халқ мулкдорларининг азалдан шаклланган иқтисодий маданияти ҳам таназзулга учрашига сабаб бўлди. Эндиликда улар мустамлакачиларга мажбурий равишда турли-туман солиқлар тўлай бошладилар. Бу эса, ўз навбатида, Туркистон халқларининг мол-мулклари ҳисобига чоризм хазинасининг бойишига олиб келди. Масалан, Чор Россиясининг 1869–1896 йилларда Туркистон ўлкасидан олган даромади 158 млн. рубль бўлган². Чор Россиясининг бундай талончилик сиёсати маҳаллий мулкдорлар синфининг иқтисодий тафаккурини бўғиб, унинг пайдо бўлишига имкон бермади.

2. Чор Россияси маҳаллий аҳолининг қўлидаги барча бойликларни қандай йўл билан бўлмасин талаш сиёсатини юритди. Масалан, мустамлакачилар Ўзта Осиёни босиб олиш жараёнида Бухоро амиридан 500 минг, Хива хонидан 450 минг рубль товон ундирган бўлсалар, Кўқон хони саройини батамом талан-



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



торож қилғанлар; Андижондан 33 минг рубль, Марғилон беклигидан 125 минг тилла (500 минг рубль) товон пули ундириб олғанлар. Мустамлакачилар бир йилда халқдан закот сифатида 1 854 682 рубль, ўтов солиғи тарзida 8 278 845 рубль, ер солиғи сифатида 2 651 044 рубль, жон солиғи сифатида – 53 417 рубль, савдо солиғи тарзida 3 406 310 рубль, жами 16 244 298 рубль ундириб олғанлар (Фарғонадан ташқари). Умуман олганда, Чор ҳукуматининг Туркистон аҳолисидан олган солиқлари 1913 йилда 23 млн. рублни ташкил этган бўлса, 1916 йилда бу кўрсаткич 33,3 млн. рублга етган³. Бундай беҳисоб текин фойда рус корчалонларининг мустамлакачиликка асосланган геоиқтисодий тафаккурини шакллантиришга хизмат қилган бўлса, ажаб эмас. Аммо у маҳаллий халқ мулқдорларининг тобора қашшоқланишига олиб келганлиги тарихий ҳақиқатdir.

3. Чор Россияси Туркистон халқларига нисбатан ташмачилик сиёсатини амалга оширди. Айниқса, рус мулқдорларига тегишли бўлган тўқимачилик ва тикувчилик фабрикаларининг пахта маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида Туркистон ўлқасининг миллий бойлиги бўлган пахтани сув текинга ташиб кетиш чора-тадбирларини қўрди. Масалан, 1887–1896 йилларда Ўрта Осиёдан Россияга 26 млн. пуд пахта толаси олиб кетилган ва унинг ҳар бир пуди Америка пахтасидан 2 рубль 38 тийин арzon бўлган. Натижада, Россия империясининг хазинаси тежалиб, 61 млн. рубль фойда кўрган. Туркистондан пахта олиб келиш, олиб-сотиш билан шуғулланганлар эса ҳар бир пуд пахтадан 1 рубль фойда қилган, демак, 26 млн. пуд пахтадан 26 млн. рубль фойда кўрган⁴.

Булардан ташқари, рус мустамлакачиларининг ташмачилик сиёсатини Фарғона вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина, Фарғона вилоятидан 1904 йилда 309 267 пуд куруқ мева, 84 516 пуд ипак ва пилла, 14 585 пуд жун, 104 107 пуд пахта ёғи, 34 170 пуд қўй териси, 1 341 281 пуд пахта чигити, 161 591 пуд гуруч, 92 894 пуд буғдой уни темир йўллар орқали Россияга ташиб кетилган⁵. Шунинг учун ҳам рус ҳукмрон доиралари ва уларнинг хориждаги ҳамтовоқлари “Туркистон – Россия тожидаги бебаҳо дурдир” деган нақлни кўп ишлатишни яхши кўришган. Ушбу мисоллардан шундай хуносага келиш мумкинки, чоризм қандай бўлмасин Туркистон халқларини эзиш эвазига улкан фойда олишни кўзлаб иш юритган. Улар томонидан қурилган завод ва



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



фабрикалар, темир йўллар, очилган мактаб ва бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг барчаси ана шу ягона стратегик мақсадга хизмат қилган. Буларнинг барчаси Туркистон халқларининг илмий фалсафий дунёқарашига салбий таъсир қўрсатиб, аста-секин ўзлигидан жудо бўлишига олиб кела бошлаган.

Чоризмдан сўнг, ўтган 70 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўзбек халқи собиқ иттифоқ таркибида бўлиб, большевикларнинг ўзга халқларга нисбатан юритган қонли сиёсати натижасида ўзининг тарихи, тили, дини, мол-мулки, минглаб элпарвар, ватанпарвар, ақли доно, мард фарзандларидан жудо бўлиб, ноиложликдан “кремль”га ҳамду санолар айтишга, мутеликда, қашшоқликда кун кечиришга мажбур бўлди. Хуллас, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритган большевик-коммунистлар ўзларининг юритган “пролетарча сиёсати” туфайли мулқдорларни синфий душман сифатида тугатиб, унинг геоиктисодий тафаккурини шакллантиришга хизмат қиласиган барча моддий ва маънавий заминларни ҳам йўқ қилиб ташладилар.

Собиқ Иттифоқ раҳбарлари, Россия императорларидан фарқли ўлароқ, хусусий мулкни инсониятнинг душмани деб билган ҳолда барча мулқдорларни йўқ қилишга киришдилар. Хуллас, собиқ Иттифоқ бошлиқларининг умуман мулқдорларга, хусусан ўзбек мулқдорлари синfiga нисбатан олиб борган шаккокона сиёсатини қуидагиларда кўриш мумкин:

1. Сиёсий ҳокимиятни эгаллаган большевик-коммунистлар К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ишлаб чиқилган пролетарча синфий кураш назариясига мувофиқ, хусусий мулкни одамлар ўртасидаги тенгсизлик ва азоб-укубатларнинг сабабчиси деб билган ҳолда, уни қонундан ташқарида деб эълон қилдилар ва шунга мувофиқ мулқдорлар синфини душман куч сифатида жисмонан тугатишга киришдилар. Мулқдорларнинг синф сифатида тугатилиши натижасида кишиларнинг онгида охир-оқибатда боқимандалик кайфиятига асосланган иқтисодий тафаккур шакли пайдо бўлди. Ўзининг мол-мулки бўлмаган халқ давлат мулкини кўпайтириш, уни асраб-авайлаш, тежаб-тергаб ишлатиш ҳақида ўйламай қўйди. Бундай боқимандалик кайфиятига асосланган иқтисодий тафаккур тарзи геоиктисодий тафаккурнинг пайдо бўлишига кескин тарзда тўсқинлик қилди.



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



2. Большевик-коммунистлар ҳокимияти ўзбек мулкдорларини синф сифатида тугатишида шафқатсизларча иш тутдилар. Улар мамлакатдаги барча мулкдорларнинг мол-мулкини тортиб олиб, ўзларини жисмонан йўқ қилишга киришдилар, отиб ўлдиришга улгурмаганларига эса “қулоқ” деган тамға босиб мамлакатнинг борса келмас жойларига сургун қилдилар. Бундан ташқари, мулкдорларнинг бошига тушган оғир қисматга хайрихоҳ ёки большевикларнинг мулкдорларга нисбатан юритаётган сиёсатидан норози зиёлиларни ҳам “халқ душмани” сифатида қатағон қилдилар. Натижада, собиқ иттифоқда 1930–1953 йиллар орасида 3 778 234 киши қатағонга учраган бўлса, улардан 786 098 киши отиб ташланганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Биргина Ўзбекистондан шу йиллар мобайнида 100 минг киши қамоқقا олиниб, уларнинг 15 минг нафари отиб ташланган⁶. Бундай қатағонлар маҳаллий аҳолини қўрқувга солди, одамларни “манқурт”га айлантириб, марксча-ленинча фалсафий таълимотнинг қулларига айлантириди. Шу тариқа, асрлар давомида шаклланиб келган шарқона миллий иқтисодиёт заминларига болта урилиб, эгасидан бегона бўлган пролетарча иқтисодий маданиятни шакллантиришга ҳаракат қилинди.

3. Ўзбекистонда мулкдорлар синфини таг-томири билан йўқотиш ишлари большевиклар раҳбарлигидаги совет ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қуидаги белгилар асосида “қулоқ” қилиш баҳонасида амалга оширилди:

- 1) сурункали ёлланма меҳнатдан фойдаланганлар;
- 2) тегирмон, мойжувоз ва шунга ўхшаш ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлганлар;
- 3) сурункали ёки мавсумий равища меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари ва биноларни ижарага бераётганлар;
- 4) сурункали равища қишлоқ хўжалиги воситаларини ижарага бераётганлар;
- 5) судхўрлик, савдогарлик, воситачилик билан шуғулланиб, меҳнатсиз даромад топаётганлар⁷.

Натижада, 1929 йил 27 декабрдан кейинги 65 кун ичida 130 миллиондан зиёд дехқон мол-мулкидан зўрлаш туфайли ажралди, уларнинг эвазига эса колхозлар ташкил қилинди. Худди шунингдек, 1929 йил охиридан 1930 йил ўрталаригача 320 мингдан зиёд қулоқ хўжаликлари тугатилди. Уларнинг



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



175 миллион сўм қимматга эга бўлган мулки, буюмлари колхозларнинг бўлинмас фондига топширилди⁸. Умуман олганда, Ўзбекистондан 1930–1933 йилларда 5,5 минг нафар дехқон қулоқ қилиниб, ўзга юртларга сургун қилинди, уларнинг кўпчилиги ит азобида ўлиб кетди⁹. Бу большевиклар томонидан мулкдор дехқонларга нисбатан амалга оширилган геноциддан бошқа нарса эмас эди. Шундай қилиб, «қулоқлар»ни тугатиш оқибатида дехқончилик соҳаси энг тадбиркор, эпчил, ўзига тўқ, мустақил иш кўрувчи, хўжалик юритувчи мулкдорлардан маҳрум бўлди. Бу билан келгусида жаҳон ҳамжамиятига мос равищда шакланадиган геоиктисодий тафаккурнинг моддий заминлари йўқ қилинди.

4. Совет ҳокимияти ҳам Ўзбекистонга нисбатан ташмачилик сиёсатини изчилилк билан амалга оширди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Ўзбекистон ҳар хил баҳоналар билан пахтачиликка ихтисослаштирилиши натижасида 70–80-йилларда сабиқ Иттифоқда етиштириладиган умумий пахта миқдорининг 2/3 қисмини етказиб берарди. 1976–1985 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 15 345 минг тоннадан ортиқ пахта толаси олиб кетилди. Унинг 70 % идан кўпроғи жаҳон бозорларида сотилиб, катта фойда кўрилди¹⁰. Жаҳон бозорида Ўзбекистонда етиштириладиган қоракўл терисига талаб катта бўлгани боис 1971–1990 йиллар оралиғида Марказ ихтиёрига 40 млн. донадан ортиқ қоракўл тери олиб кетилди¹¹. Ўзбекистон сабиқ иттифоқ мамлакатларида ишлаб чиқариладиган олтиннинг қарийб 50% ини етказиб берарди. Н. Кучерский бу ҳақда: “Биргина Навоий кон-металлургия комбинатининг кончилари томонидан қазиб олинган бойликлар йилига миллиард долларлаб фойда келтирарди. Унинг қийматини Ўзбекистон воҳасида етиштириладиган жами пахта толаси билан қиёсласа бўлади”¹², – деган эди.

Сабиқ иттифоқ ҳукмрон доираларининг ўзбек халқига нисбатан олиб борган бундай сиёсатининг туб моҳияти ҳақида Президент И. А. Каримов шундай деб ёзган эди: “Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти Марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айланган эди. Марказ қабул қиласидан кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридагидек, республика арzon хомашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулот



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



сотиладиган қулай бозорга айланиб қолаверди, яъни республика хомашё базаси бўлиб келди”¹³.

5. Собиқ иттифоқ “ривожланган социализм” палласига кирган бир вақтда соғлигини, қолаверса жонини аямасдан, жазирама иссиқ ва заҳарли кимёвий моддаларнинг хуружига бардош бериб, арзимаган иш ҳақи ҳисобига пахта етишираётган ўзбек ҳалқига нисбатан Марказ томонидан тўқиб чиқарилган “пахта иши” баҳонасида амалга оширилган қатағонлар ҳаммасидан ошиб тушди. Марказнинг кўрсатмаси билан Гдлян ва Иванов раҳбарлигига ташкил этилган қонсираган терговчи-жаллодлар гурӯҳи “пахтачилик соҳасидаги коррупция”га қарши кураш баҳонасида 40 мингдан ортиқ фуқаролар тергов қилиниб, колхоз раислари ва совхоз директорларининг 60 %, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг 45 %, пахтачилик бригадаси бошлиқларининг учдан бир қисми вазифаларидан олинди, 5000 дан ортиқ одам жиной жазога тортилди, уларнинг аксарияти Сибирдаги қамоқхоналарга жўнатилди¹⁴. Бу иш, аслида, қизил империячилар томонидан мунтазам равишда ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиш асосида маҳаллий аҳолини қўрқувга солиб, куллик исканжасида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириб туриладиган «кремль»ча қатағонларнинг янги тўлқини эди.

Ҳолбуки, пахта яккаҳокимлиги, иқтисодиётнинг хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, харид нархларнинг пастлиги, Марказнинг пахта етишириш ниҳоятда сермеҳнат эканлигини инкор қилиши туфайли республика аграр соҳасидаги иш кучининг қиймати собиқ иттифоқдаги энг паст кўрсаткичлардан ҳисобланарди. Масалан, 80-йилларнинг ўрталарида колхозчининг бир иш кунига Ўзбекистонда 5 сўм 88 тийин, Тожикистонда 6 сўм 4 тийин, Қирғизистонда 6 сўм 90 тийин, Туркманистонда 7 сўм 3 тийин, РСФСРда 8 сўм 3 тийин, Литвада 9 сўм 90 тийин, Эстонияда 14 сўм 4 тийин ҳақ тўланган¹⁵. Бу биринчи навбатда пахтакорлар меҳнатига ниҳоятда кам ҳақ тўланиши билан боғлиқ эди. Айтиш керакки, ғаллакорнинг 1 соатлик меҳнатига 62,5 тийин тўланган ҳолда, пахтакорниги атиги 16 тийин тўланарди¹⁶.

Республиканинг пахтачиликка ҳаддан ташқари ихтисослаштирилганлиги оқибатида ғалла ва гўштнинг қарийб 70 %, картошканинг 60 %, қанд-шакар, қуритилган сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаммаси четдан келтириларди¹⁷.



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



Совет империяси тарқалиб кетиш пайтида Ўзбекистоннинг фуқароси сobiқ иттифоқ мамлакатлари бўйича ўртacha кўrsatкичдан деярли икки баравар кам гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва тухум истеъмол қиларди. Хусусан, физиологик норма бўйича 82 кг. гўшт ўrniga иттифоқ бўйича аҳоли жон бошига 60 кг. истеъмол қилингани ҳолда, республикада атиги 30 кг. гўшт истеъмол қилинган; сут тегишли равишда 405 ва 196 кг; тухум – 141 ва 107 дона тўғри келган¹⁸.

Ўзбек қишлоқларидағи аҳвол бундан ҳам ачинарли эди. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида гўшт истеъмол қилиш сobiқ иттифоқ бўйича ўrтacha микдордан 5–6 баравар; творог ва сут маҳсулотлари – 3 баравар, тухум – 3,5, картошка – 4,7, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 21,6 баравар кам истеъмол қилинган¹⁹.

Юқорида баён қилинган тарихий фактларнинг барчаси, тарихчи олим Ҳамид Зиёев ёзганидек, сobiқ Иттифоқда “...хусусий мулкчилик ва унга боғлиқ турли соҳаларнинг тақиқланиши, шахсий ташаббус ва манфаатдорликнинг бўғилиши, мажбурий меҳнат, ишга яраша ҳақ тўламаслик, бокимандалик ва «қорин тўйса бас» деган туйғулар қулчиликнинг иқтисодий заминини яратди”²⁰. Бундай иқтисодий замин ўзбек меҳнаткашларига уларнинг онгида эркин тафаккур шакли бўлган геоиқтисодий тафаккурининг вужудга келиши ва шаклланишига мутлақо имкон бермас эди.

6. Геоиқтисодий тафаккурнинг шаклланишида ташқи иқтисодий алоқалар муҳим роль ўйнайди. Маълумки, сobiқ Иттифоқнинг маъмурий доиралари Ўзбекистонга фақат қофоздагина хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш ҳуқуқини берган. Аслида эса, амалдаги барча ташқи алоқалар уларнинг кўлида эди. Масалан, XX асрнинг 50-йилларида Ўзбекистон дунёning 32 та мамлакатига ўз маҳсулотларини етказиб берган бўлса, 80-йилларнинг бошларида республика иттифоқ органлари орқали деярли 90 та хорижий мамлакат билан иқтисодий алоқа ўрнатган эди. Етказиб берилиган товарлар 250 хилдан ортиқ бўлган. Умуман олганда, Ўзбекистон экспорт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича иттифоқдош республикалар орасида РСФСР ва Украина ССР дан кейин учинчи ўринда турган, пахтачилик учун машиналар, тўқимачилик ускуналари, пахта толаси, қоракўл тери, бошқа қатор товарлар етказиб беришда биринчи ўринни эгаллаган²¹. Бироқ, товарларнинг экспорт



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



савдосида ўзбек меҳнаткашларининг вакиллари бевосита қатнашмас, улардан тушадиган маблағларнинг миқдори ҳақида ҳам ҳеч нарсани билмас эдилар.

Мустабид тузум даврида олиб борилган ташқи иқтисодий алоқаларнинг туб моҳияти ҳақида мамлакатимиз раҳбари И. А. Каримов шундай деб ёзган эди: “Яккаҳокимлик тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри ва очик чиқиши имкониятидан маҳрум этилган эди. Республика, унинг корхоналари тўғридан-тўғри ташқи алоқаларни мустақил равишда ўрнатиш имкониятидан амалда маҳрум қилинган эдилар, ташқи савдо соҳасида марказ яккаҳокимлигининг қаттиқ тазиёкини доимо сезиб турардилар. Ҳамма валюта ҳисоб-китобларини фақат иттифоқ идоралари амалга оширап эдилар. Республика табиий, хомашё ресурслари ва етиштирган маҳсулоти қаёққа кетишини, уни экспорт қилишдан тушган маблағ кимга тегишини билмасди. Айни вақтда хорижий техника ва технологияни, халқ истеъмол молларини етказиб бериш борасида батамом қарам эди”²².

Ташқи сиёsat масаласида Ўзбекистонга нисбатан олиб борилган бундай амалий ҳатти-харакатлар меҳнаткаш ўзбек халқини жаҳондаги илғор технологиялар билан бевосита танишиш имкониятидан маҳрум қилиб, унинг иқтисодий онги ўсиши, хусусан геоиқтисодий тафаккурининг вужудга келиши йўлига қўйилган сунъий тўсиқдан бошқа нарса эмас эди.

Шундай бир вазиятда, бир томондан, халқнинг иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда ночор аҳволда эканлиги, иккинчи томондан, марксча-ленинча мафкуранинг тўлиқ ҳукмронлик қилиши, учинчи томондан, халқнинг хорижий мамлакатлар билан бевосита ижтимоий-иқтисодий алоқалар қилиши тақиқланганлиги иқтисодий тафаккурининг ўзига хос бир шакли бўлган геоиқтисодий тафаккурининг бўлиши ҳақида ўйлаб кўришга ҳам имкон бермас эди. Аксинча, одамларнинг ижтимоий-иқтисодий дунёқарашида имконият тарзида бўлган бундай тафаккурни марксча-ленинча фалсафий дунёқарашга ёт бўлган буржуача фикрлаш услугиби сифатида инкор қилиниши ўзбекларнинг онгидан азалдан мавжуд бўлган геоиқтисодий тафаккурининг тамомила инқирозга учрашига олиб келди.

Юқорида келтирилган далиллардан шундай фалсафий хуносага келиш мумкинки, чор Россияси ва Қизил империя ўзининг 130 йиллик ҳукмронлиги давридаги ўзга халқ, миллат ва элатларга нисбатан юритган барча ички ва



ташқи сиёсатида, биринчидан, уларнинг табиий бойликларини эгаллаб олиш ва шунинг эвазига катта-катта фойда кўриб, текинга яшаш; иккинчидан, мулқдорларни ўз мол-мулкларидан жудо қилиб, уларни ўзларига тобе қилиш; учинчидан, маҳаллий миллат вакиллари орасидан чиққан ватанпарвар, элпарвар зиёлиларни ҳар хил баҳоналар билан қирғин-барот қилиб, халқни қўрқувда ушлаб туриш; тўртинчидан, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзига етти ёт бегона бўлган ғоя ва мафкураларни зўрлаб сингдириш орқали уни ўзлигидан жудо қилиш; бешинчидан, миллатни темир панжара орқасида ушлаб туриш орқали жаҳон ҳамжамиятига қўшмаслик каби бир қатор қабих, жинояткорона ишларни амалга оширидилар. Натижада, ўзбек халқи ташқи дунёдан ажралиб, марксчаленинча фалсафага асосланган «қизил террорчилар»нинг қурбонига айлана борди. Буларнинг барчаси, “социалистик цивилизация” ривож топиб бораётганига қарамай, ўзбек халқининг иқтисодий тафаккури негизларига болта уриб, уни геоиқтисодий тафаккур даражасида шакллантиришнинг моддий замин ва маънавий асосларидан жудо қилган эди. Ўзбек халқини бундай мудхиш ҳалокатдан фақатгина мустақиллик кутқазиб қолди, холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Экономика сельского хозяйства. – М.: Статистика, 1990. – С. 328.
2. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г.: Статежегодник. – Т.: Узбекистан, 1991. – С. 272.
3. Кучерский Н. Концерн в пустыне // Звезда Востока. – 1992. – №4. – С. 6–7.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Б. 282–283.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М. Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 660.
6. Мухомель В. И. Время ответственных решений // Социологические исследования. – 1989. – № 1. – С. 9–14.
7. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг жорий архиви. Бош бошқарманинг 1985 йилги материаллари. 14-сонли йиғма жилд, 17-варак.
8. Зиядуллаев С. Экономическая реформа в Узбекистане в действии. – Т.: 1994. – С. 10.
9. Shadmanov, K. B., Davlatova, M. N., Ostonova, S. N., & Radjabova, A. T. (2020). ENGLISH RENAISSANCE: TRANSFORMATION OF 61 PHILOSOPHY UNDERSTANDING AS A FACTOR OF INFORMATION CULTURE



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES
International scientific journal

Volume: 2 Issue: 4



DEVELOPMENT OF THE EPOCH. Cross-Cultural Studies: Education and Science, 5(1), 61-67.

10. Шадманов, К. (2015). Английская духовность и язык. Дюссельдорф: Изд-во Lambert, 264.
11. Badriddinovich, S. K. (2019). Sadullaev Denis Bakhtierovich From the history of the formation of the system of basic concepts of English philosophy. Science and education today, 10, 45.
12. Shadmanov, K. B. (2015). English spirituality and language. Dusseldorf: Lambert Publishing House, 264.
13. Шадманов, К. Б. (2003). Особенности английской философской мысли и лексики XIV-XVII вв. Т.: ТФИ, 66.
14. Shadmanov, K. B. (2020). On the Linguo-Philosophical Nature of Socio-Ethical Vocabulary. Skase Journal of Literary and Cultural Studies (SJLCS), 2(1), 69-74.
15. Шадманов, К. (2022). НОВАЯ ГЛОБАЛЬНАЯ РЕАЛЬНОСТЬ В АСПЕКТЕ КУЛЬТУРНО-ФИЛОСОФСКОЙ КАРТИНЫ МИРА СИСТЕМЫ ВОСТОК-ЗАПАДИ. Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 2(7), 64-66.
16. Давлатова, М. Х. (2021). The Expression of resultative and depictive constructions in english and uzbek languages. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 4(5).
17. Давлатова, М. Х. (2021). Результативликнинг аспектуал тадқиқотлар доирасида ўрганилиши. Scientific progress, 2(2), 1678-1683.
18. Shadmanov, K. B., Davlatova, M. N., Ostonova, S. N., & Radjabova, A. T. (2020). ENGLISH RENAISSANCE: TRANSFORMATION OF PHILOSOPHY UNDERSTANDING AS A FACTOR OF INFORMATION CULTURE DEVELOPMENT OF THE EPOCH. Cross-Cultural Studies: Education and Science, 5(1), 61-67.
19. Давлатова, М. (2020). Aspectual and lexico-semantic classification of verbs. Сўз санъати халқаро журнали, 1, 2020.
20. Давлатова, М. Х. (2018). Работа над видеотекстом на занятиях английского языка. Теория и практика современной науки, (4 (34)), 242-246.